

**ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

# **ЮРИДИК АТАМАЛАРНИНГ**

## **ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

*(Мазкур луғат Ўзбекистон Республикасининг  
2021 йил 31 декабргача бўлган амалдаги қонунчилиги асосида  
яратилди)*

**ТОШКЕНТ – 2021**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2021 йил 25 декабрь, 12-сонли баённома).

Юридик атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент:  
Фан нашриёти, 2021. 397 б.

*Масъул муҳаррир:* Ўзбекистон Республикаси ФА академиги,  
юридик фанлар доктори, профессор  
**А.Х.Саидов**

*Тақризчилар:* Ўзбекистон Республикаси ФА вице-  
президенти, тарих фанлари доктори, профессор  
**Б.А.Абдухалимов**  
Юридик фанлар доктори, профессор  
**Ж.Т.Холмўминов**

*Тузувчилар:* ю.ф.д М.Т.Тургунов, ю.ф.д, доцент А.А.Туляганов, ю.ф.д, доцент О.Р.Сулаймонов, ф.ф.д, доцент М.Ш.Усмонов, ю.ф.д, профессор Ж.Тошқулов, ю.ф.д, профессор О.Окюлов, ю.ф.д, профессор М.Х.Баратов, ю.ф.д, профессор Н.П.Азизов, ю.ф.д, доцент Х.М.Юнусов, ю.ф.д, профессор М.Б.Усмонов, ю.ф.д, ю.ф.д, профессор Д.М.Миразов, ю.ф.д М.А.Тиллабоев, ю.ф.д, профессор М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.н Ж.М.Абдуллаев, ю.ф.н, доцент Р.Э.Турдибоева.

Мазкур изоҳли луғат замонавий давлатчилик ренессанси, жамият ва ҳуқуқий тизимларнинг тадрижий ривожланишидан келиб чиқиб, илмий ҳамда назарий луғатчилик анъаналари, талаблари ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган бўлиб, унга махсус юридик терминлар билан бир қаторда, ҳуқуқий амалиёт ва назария, турдош бўлган бошқа фан йўналишларида кенг қўлланиладиган ҳуқуқий, тарихий ва замонавий сўзлар ҳам киритилган.

3500 дан ортиқ юридик терминларни ўзида жамлаган ушбу луғат Фанлар академияси тизимидаги ходимлар, юридик таълим ва амалиёт билан шуғулланадиган мутахассислар, талабалар, илмий тадқиқотчилар, докторантлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳуқуқ институти, 2021.

## ТАҚДИМ

Инсонлар цивилизацияси воқеалар ва жараёнларга бой бўлган улкан ривожланиш босқичларини бошидан кечирган. Халқаро ҳамжамият жуда катта ривожланиш йўналишларини босиб ўтди. Цивилизациявий ривожланиш натижасида, илк давлатсимон бирлашмалар, инсонлар жамиятининг янгидан-янги шакллари вужудга келган. Давлатлар ва ҳуқуқий тизимлар шаклланиб, тажрижий ривожланиш натижасида сермазмун ривожланиш жараёнларини бошидан кечирган.

Давлатлар ва ҳуқуқий тизимларнинг ривожланиб бориши натижасида, мукамал қонунчилик, ҳуқуқий ишланмалар, ҳуқуқ институтлари вужудга келган, ўзгарган ва замон зайлидан келиб чиқиб ўзгариб борган.

Бу фикрлар юридик (ҳуқуқий) атамалар тизимига ҳам тегишли бўлиб, мазкур ҳуқуқий атамалар инсоният цивилизациясининг тамаддуни, инсонлар сўз бойлигининг улкан ва қадрли хазинаси ҳисобланади, энг аҳамиятлиси, улар бизга жамият таракқиётининг турли босқичлари ҳақида тўлиқ ва холисона бўлган маълумотлар ва тегишли тушунчалар беради.

Бу ўринда юридик атамаларининг аҳамияти, давлатчилик тарихида эгаллаган ўрни бекиёсдир. Шу сабабдан давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг босқичларида юридик соҳадаги жуда кўп луғатлар яратилди.

Ушбу луғатлар таркибидан юридик атамалар билан бир қаторда тарихий, сиёсий, ижтимоий, аниқ фанлар соҳасидаги атамалар ҳам ўрин олганлиги эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг 30 йиллик мустақил ривожланиши йилларида юридик соҳа фидойилари томонидан бир қанча диққатга сазовор луғатлар чиқарилди, улар ўсиб келаётган ёш авлод, ҳуқуқшунослик соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ишларига ўзининг муносиб хиссасини қўшди десак, муболаға бўлмайди.

**Ушбу изоҳли луғатни тайёрлашда: Ўзбекистон миллий энциклопедияси (Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001-2006), Юридик атамалар қомусий луғати (Тошкент: Шарқ, 2003), Юридик терминларнинг ўзбекча-русча изоҳли луғати (Тошкент: ТДЮИ, 2011), Ўзбек тилининг изоҳли луғати (Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008), Ўзбекистон юридик энциклопедияси (Тошкент: Адолат, 2008), Ислом энциклопедияси (Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020) каби нашрлар асос бўлди.**

Лекин, ҳозирда дунё ҳамжамиятида содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар, мамлакатимизда жадал қадамлар билан амалга оширилаётган туб ислохотлар янгича ўйлаш, янгича ишлаш, янги тушунчаларни амалиётга киритиш масалаларини тақозо этмоқда. Мазкур фикрлар юридик атамаларни ўз ичига олган луғатларни янгилаш, такомиллаштириш ҳамда ўз-ўзидан янги шаклдаги луғатлар яратишни талаб этилади. Боз устига, кейинги йилларда юриспруденция йўналишида янги фан соҳаларининг вужудга келганлиги, уларни мукамал ўрганишга бўлган талаб ортиб бораётгани ҳам юридик атамалар луғатларига бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

Юқоридаги ҳолатлар “Юридик атамаларнинг изоҳли луғати” долзарблигини белгилайди ва унинг мавжуд луғатлардан фарқли ўларок, бирқанча афзаллик томонлари кўрсатиб беради. Аввало, у мазмун ва ҳажм жиҳатдан анча салмоқли. Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг аҳил жамоаси томонидан тайёрланган мазкур ишланмада юридик йўналишда фаолият кўрсатадиган бир қанча Олий ўқув юртларининг вакиллари ҳам борлиги диққатга сазовордир (Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат аграр университети ва бошқалар).

Луғатнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унга талайгина янги бўлган ҳуқуқ соҳаларига тегишли атамаларнинг киритилганидир.

Умуман олганда, кўлингиздаги илмий ижод махсули юрист-ҳуқуқшунослар билан бир қаторда, сиёсатшунослар, тарихчилар, файласуфлар, ахборот-коммуникация соҳаси мутахассислари, шарқшунослар, тилшунослар, исломшунослар учун ҳам фойдали бўлади. Бу луғат илмий изланишларни олиб бориш, дарсликлар, маърузалар матнлари ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда қўл келади. Уни мухтарам китобхонлар мамнуният билан қабул қиладилар деган умиддамиз.

**А.Х.Саидов,**

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси академиги,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Китобнинг ҳажмидан келиб чиқиб, энциклопедик луғатлар  
анъанасига биноан айрим қисқартмалардан фойдаланилди:**

**араб.** - арабча  
**арман.** - арманча  
**ва б.** - ва бошқалар  
**ва ҳ.к.** - ва ҳоказо  
**венг.** - венгерча  
**голл.** - голландча  
**груз.** - грузинча  
**ингл.** - инглизча  
**исл.** - исландча  
**исп.** - испанча  
**итал.** - итальянча  
**кельт.** - кельтча  
**лит.** - литвача  
**лот.** - лотинча  
**мас.** - масалан  
**мил.** - милодий  
**мил. ав.** - милоддан аввалги  
**млн** - миллион  
**млрд** - миллиард  
**молд.** - молдаванча  
**мўғ.** - мўғулча  
**нем.** - немисча  
**норв.** - норвегча  
**поль.** - полякча  
**португ.** - португалча  
**сакс.** - саксча  
**санскр.** - санскритча  
**сканд.** - скандинавча  
**слав.** - славянча  
**сугд.** - сугдча  
**тахм.** - тахминан, тахминий  
**турк.** – туркийча  
**тожик.** – тожикча  
**урду.** - урдуча  
**франц.** - французча  
**хитой.** - хитойча  
**чех.** - чехча  
**швед.** - шведча  
**шим.** - шимолий  
**шқ.** - шарқий  
**эст.** - эстонча  
**этриск.** - этрускча

**юнон.** - юнонча  
**қад.** - қадимги, қадимий  
**қар.** - қаранг  
**гб.** - гарбий  
**ҳинд.** - ҳиндча  
**ҳоз.** - ҳозирги  
**форс** - форсча  
**ЖК** - Жиноят кодекси  
**ЖПК** - Жиноят процессуал кодекси  
**МЖТК** - Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс  
**ФК** - Фуқаролик кодекси  
**ИПК** - Иқтисодий-процессуал кодекс  
**БТҚВ** - бекор туриб қолинган вақт  
**ЎзР** - Ўзбекистон Республикаси  
**ВХ** - Вакиллик ҳокимияти

*Қолгон киши касби илмдин захмат аро,  
Фикҳ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро,  
Илм ичра шараф фикҳда бил нисбат аро –  
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.*

*Алишер Навоий*

## Сўз боши

Мамлакатимиз давлати ва ҳуқуқининг 30 йиллик тарихида ҳуқуқшунослик соҳасида эътиборга лойиқ бўлган бир неча катта ва кичик луғатлар нашр этилди, улар юриспруденция ривожланишида, давлатчилик ва давлат бошқарувини ривожлантириш учун зарур бўлган етук ва малакали мутахассислар тайёрлаш ишларига ўзининг муносиб хиссасини қўшди.

**Эътиборингизга тақдим этилаётган юридик терминларнинг изохли луғати ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг нашр этилган биринчи луғатлардан эмас.**

**Мазкур луғатнинг яратилишига бир қанча омиллар сабаб бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз:**

**Биринчидан**, халқаро ҳамжамиятда мунтазам содир бўлаётган тажрижий ўзгаришлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги туб ислохотлар жамиятимизда мавжуд ижтимоий муносабатларга, онгимизга, дунёқарашимизга, тилимизга ҳамда билимларимиз даражасига жуда катта ва сезиларли таъсир кўрсатди.

**Иккинчидан**, кундали амалиётимиз ва илмий тадқиқотлар соҳасига тамомила янги бўлган соҳалар, илмий тушунчалар, интернационал ва ҳорижий сўзлар кириб кела бошлади. Уларни англаш, тушуниб етиш, амалиётимизга киритиш учун янги ва замон талабларига жавоб берадиган луғат яратиш зарурияти вужудга келди.

**Учинчидан**, ҳозирги кунда халқаро ҳамжамиятда шиддат билан глобал ахборот жамиятини шакллантириш ишлари амалга оширилиб, жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари, илмий изланишлар ва фан соҳаларининг барча йўналишларига ахборот-коммуникация технологияларининг **(хусусан, юриспруденцияга ҳам)** шиддат билан кириб келаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

**Тўртинчидан**, охири беш йилда давлатчилик соҳаси ва жамият тизимларида асрларга таътигулик ўзгаришлар бўлиб ўтмоқдаки, уларни англаб етиш, илмий ва ижодий фаолиятда ҳисобга олиш, фаровон ҳаётни таъминлаш мақсадида муносиб меҳнат билан шуғулланиш учун қонунларни ҳурмат қилиш, замонавий чуқур ҳуқуқий билим ва рақобатбардошлик кўникмаларига эга бўлишни кундалик ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Бешинчидан**, юридик амалиётимиз ҳамда ўзбек тилининг ривожланаётганлиги, уларни янги босқичга чиқаётганлиги амалда бўлган ўзбек ҳуқуқий атамаларига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Афсуски, эътиборла лойиқ тарихий–ҳуқуқий атамалар назаримиздан четда қолган. Биз изохли луғатда шундай атамалардан мисоллар келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир, – деб таъкидлайдилар.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлод, тадқиқотчилар, илмий изланишларни амалга ошираётган олимлар мунтазам равишда юриспруденция ва ҳуқуқшунослик фанлари соҳасидаги янгиликлардан доимо боҳабар бўлиб туришлари талаб этилади. Шундагина жамиятимизда қонун ҳурмат қилинади, унинг устуворлиги таъминланиши мумкин.

Мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ, юриспруденция, умуман ҳуқуқшунослик фанларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ишланмалар, кўникмалар, тушунчалар, амалаг оширилаётган тизимли ислоҳотлар тўғрисида етарли ахборотга эга бўлиш, ушбу билимлардан самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистоннинг узоқ истиқболдаги ривожланиш стратегиясининг муваффақиятли амалга ошириш ишлари биринчи навбатда етук, билимли, кенг ўйлайдиган, мустақил равишда қарор қабул қила оладиган, давлат ва жамият манфаатларини устувор биладиган мутахассисларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

**Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Фанлар академияси, хусусан, Давлат ва ҳуқуқ институти жамоаси жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган стратегик мақсад ва вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахсларни тарбиялаб амалиётга етказиш мақсадида мазкур нашрни тайёрлашни лозим деб топди ҳамда ушбу изоҳли луғатни эътиборингизга ҳавола қилади.**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида оламшумул ўзгаришлар, учинчи ренессанс жараёнлари, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, халқпарвар давлат принципларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш давлатимиз томонидан бош мақсад қилиб белгиланганлиги эътиборга лойиқ.

Ҳар бир фуқаро эса ўзининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳалардаги билимлари даражасини мунтазам ошириб боришга ҳаракат қилиши шарт. Умид қиламизки, юридик атамаларнинг изоҳли луғати уларга мазкур вазифаларни амалаг оширишга яқиндан ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарининг “**Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови**” деган эътиборга лойиқ гаплари ҳеч қачон эсан чикмаслиги лозим.

Шундай экан, ҳозирги жамиятимизда энг муҳим дастуриламал принциплардан бири бу мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашдир. Давлат тушунчасининг ўзи давлат мустақиллигидан келиб чиқади. Ҳар бир мустақил мамлакат эса ўзининг давлат тилига эга бўлади ва ҳар бир халқ ўз она



тили равнақи учун курашади. Шу боис мамлакатимиз мустақиллиги она тилимизга давлат тили мақоми берилиши билан бошланди десак, хато бўлмайди.

Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши, янгидан–янги қонунлар, ҳужжатларнинг она тилида қабул қилиниши содир бўлаётган кучли ижтимоий-сиёсий, моддий-маданий, маънавий-маърифий ислоҳотлар ўзбек тилшунослиги, хусусан, ўзбек юридик терминологиясининг тараққиёти учун ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши эса ўзбек юридик тилининг ҳар томонлама шаклланишида муҳим қонуний негиз бўлиб хизмат қилди. Ўзбек лексикологияси ва лексикографиясининг мустақиллик даври тараққиёти, тарихи ва илмий-назарий асосларининг шаклланиши, фаннинг барча тармоқларига, шу жумладан, юриспруденцияга оид терминологиянинг такомиллашуви қонунларни ўзбек тилида ёзиш ва тайёрлаш учун керак бўлган қатор луғатлар яратишни тақозо қилмоқда. Ушбу луғатнинг яратилиши ҳам шу мақсадларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Юридик атамаларнинг изоҳли луғати сиёсий етук, халқаро ва ички сиёсат муаммоларини яхши тушунган мутахассислар, эксперт ва ҳуқуқшуносларни тарбиялаш, халқаро ҳамжамият ва давлатимизда кечаётган ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнлар ривожини таҳлил қилиш асосида янги креатив ва илғор ғоялар билан бойитилган керакли билим ва кўникмаларга эга бўлишга ёрдамлашади.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, **жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – бу фуқароларнинг қонунга оғишмай, қатъий риоя қилишидир. Бунинг учун эса юридик тил, унинг лексикаси пишиқ–пухта бўлиши, халқ тушунадиган тилда содда ва равон ишлаб чиқилиши, юридик терминлар илмий-амалий жиҳатдан тартибга солиниши каби масалаларнинг ижобий ҳал қилиниши ўта муҳимдир.**

Жамиятдаги туб ўзгаришлар, илм-фан тараққиёти ўзбек юридик тили изоҳли луғатининг ҳозирги пайтда қанчалик зарур эканлигини яққол кўрсатмоқда.

Ўзбек луғатшунослиги мустақилликдан кейин чинакам равнақ топди ва кенг ривожланмоқда. Кейинги йилларда, айниқса, қатор луғатларнинг салмоғи ниҳоятда катта бўлмоқда.

**Сизга ҳавола этилаётган ушбу изоҳли луғатда Янги Ўзбекистоннинг янги юриспруденцияси тармоқлари тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва уларни тавсифлаш, унинг меъёрларини белгилаш ва мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилди.**

Мазкур луғатнинг нормативлиги шундан иборатки, унда юридик тил лексикасининг ишлатиш меъёрлари тавсия этилади. Луғатда ҳар бир терминнинг ёзилиш шакли, қўлланиш доираси, маъноси аниқ изоҳланган. Манба юриспруденциянинг барча соҳа йўналишига оид терминларни қамраб олган. Унда ҳуқуқ фани терминлари ўзбек адабий тили талаблари, луғат тузиш тамойилларига амал қилган ҳолда берилган.

**Албатта, битта китобга барча ҳуқуқий ва турдош атамаларни сиғдириб бўлмайди. Қолаверса, атамаларни тўплаш иши ҳам бир жойда**

**турмайди, у доимо ўзгариб туради. Муаллифлар луғат камчиликлардан холи деган даъводан йироқдалар, шунинг учун улар луғат бўйича холисона ва асосланган тарзда тақдим этилган танкидий фикрларни мамнуният билан қабул қиладилар ва албатта ҳисобга оладилар.**

**АБОНЕМЕНТ ПОЧТА ЖАВОНИ** – почта алоқаси объектларида ўрнатиладиган кулфланадиган кутичалардан иборат махсус жавон бўлиб, бу кутичалар ёзма хат–хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни олиш учун адресатлар томонидан муайян муддатга ижарага олинади.

**АБСЕНТЕИЗМ** (лот. *absens/ absentis/* – қатнашмаган; инг. *absenteeism*) – жаҳон конституциявий амалиётида учрайдиган атама бўлиб, сайловда овоз бермаслик ва референдумда ихтиёрий қатнашмасликни билдиради. Бунда ким депутат ёки давлат бошлиғи бўлиши, масала қандай хал қилиниши сайловчиларни қизиқтирмайди (бефарқлик). Шарқ давлатларида абсентеизм кам учрайди, бу ҳолат ҳозирги Европа ва Америка қитъасидаги айрим мамлакатларга хос.

**АБСОЛЮТИЗМ** (лот. *absolutos* – шартсиз, мутлақ) – абсолют монархия ҳукм сурган Европа тарихининг бир даври (асосан ўрта асрлар даври).

**АВАНС** (бўнак) – 1) ходимга келгусида тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ҳисобидан амалга ошириладиган пул тўлови; Аванснинг миқдори корхона иш берувчиси томонидан ходимлар вакиллик органи билан келишилган ҳолда белгиланади. 2) хизмат сафарига юборилаётган ходимга хизмат сафари харажатларини қоплаш учун олдиндан тўланадиган пул суммаси. Хизмат сафаридан қайтган ходим қилинган харажатлар ҳисоботини тақдим қилади ва ортиқча қилинган харажатлар тўлаб берилади, аванснинг сарфланмай қолган қисми эса корхонага қайтарилиши лозим бўлади. 3) хўжалик эҳтиёжлари (масалан, бошқа жойдаги ишга юборилганда озиқ–овқат маҳсулотлари, инвентарлар сотиб олиш учун) берилган пул суммаси сарфланмасдан қолган қисми корхонага қайтариб берилиши лозим.

**АВАРИЯ РЕЖИМИ** – электр энергетикаси объектлари ишлаши технологик параметрларининг ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлаб туриши бузилишига ва истъмоқчиларга электр энергияси етказиб берилиши чекланишига олиб келиши мумкин бўлган, йўл қўйиб бўлмайдиган бузилиш.

**АВТОМАТДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТОВАР СОТИШ** – товар автоматдан фойдаланиб сотиладиган ҳолларда автомат эгаси сотувчининг номи (фирма номи), у жойлашган манзил, иш тартиби, шунингдек сотиб олувчи товарни олиш учун амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни автоматга жойлаштириш ёки бошқача усулда сотиб олувчига тақдим қилиш йўли билан унга товар сотувчи тўғрисидаги ахборотни етказиши лозим.

**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ** – Инсонлар фаолияти жараёнини автоматлаштиришга қаратилган дастурий ва аппаратли воситалар тизими. Автоматик тизимдан фаркли ўларок, автоматлаштирилган тизим ҳар доим инсон иштирокида фаолият курсатади ва инсон унинг асосий бўғинидир.

**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ РЕСУРСИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ** – маълумотларни сир тутилиши (конфиденциаллик), бутунлик ва киришимлилик каби уч тавсифни таъминлашдан иборат. Тизим